

## ЛИБОССИЗ МОДЕЛЬ ЧИЗМАТАСВИРИНИ ИШЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

**Усманов Анвар Мустафакулович**

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик  
ва дизайн институти,  
Дастгоҳли рангтасвир кафедраси катта ўқитувчиси  
E-mail: [anvar.com.79@mail.ru](mailto:anvar.com.79@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада либоссиз модел чизматасвирини ишлаш босқичлари методикаси ёритилган бўлиб, бўлажак рассомларга минсон қоматини либоссиз, либосда, турли ракурс ва гавда ҳолатида ифодалаш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Жумладан, ишни эскиздан бошлаш, композиция, пропорция, ҳаракат ва тон муносабатларини топиш, классик нисбатларни билиш, индивидуал нисбатларни аниқлаш, инсон анатомиясига оид билимлар модел чизматасвирини ишлаш босқичларида очиқ берилади.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье описана методика этапов рисования обнажённой модели и помогает будущим художникам развить навыки изображения фигуры мужчины или женщины без одежды, в одежде, в разных ракурсах и позах. В частности, работа над эскизом, решение композиции, пропорции, движения, отношения тонов. Знания классических пропорций, определяя индивидуальные пропорции, навыки анатомии человека раскрываются на этапах работы над рисунком модели.

Чизматасвир рассом бадий ғоясини ифодалаш ҳамда ҳаётнинг туганмас хилма хиллигини ўрганиш воситасидир. У орқали рассом оламни англайди, фикрлайди ва ижод қилади. Чизматасвирга оид билим ва кўникмаларсиз, рассом гўёки суяксиз инсон кабидир, чунки тасвирий санъат асарлари айнан унинг мустаҳкам конструкциясига таянади.

Ҳар бир ижодий иш каби, чизматасвир, рассом тасвирий воситалар орқали ифодаламоқчи бўлган ғояни аниқлаб олишидан бошланади. Бу жараёнда асосий ғоя – бу либоссиз модел чизматасвирини ишлаш ҳисобланади. Либоссиз модельни тасвирлашни ўрганиш кейинчалик инсон қоматини либосда, турли ракурслар ва гавда ҳолатида ифодалаш кўникмаларини ҳосил қилишда муҳим босқич саналади. Бу кўникма ҳар бир рассом учун сув ва ҳаводек зарурдир.

Либоссиз моделни чизматасвирда ишлаш қуйидаги босқичлардан ташкил топади. Дастлаб бир оёққа таянган аёл (эркак) либоссиз моделининг чизматасвирини 60x40см планшетга бажаришни мақсад қилиб оламиз, материал сифатида НВ – 8В юмшоқликдаги график қалам ва қоғоз. Қоғоз илиқ кулранг тусдаги акварел билан тонланган бўлиши керак. Эндрю Лумис ўзининг ўқув қўлланмасида қуйидаги тавсияларни бериб ўтади: “Юмшоқ қаламни ишлатишга одатланинг, чунки у очдан тўқ рангнинг нисбатан кенг диапазонини таъминлайди. Ингичка, нимжон ва кулранг чизматасвирлар деярли тижорат қийматига эга эмас. Ручка, қора сиёҳларга ўтиш чизматасвирни янада қизиқарли қилади ва у реал тижорий қиймат ҳосил қилади. Ишлатишга қулай, эгилувчан воситалардан фойдаланинг. Қаламни охисталик билан ишлатинг, у билан қоғозга қаттиқ босманг. Кўмир ҳам либоссиз натурани ўрганишда ажойиб материал саналади”. (2)

Постановканинг образли хусусияти, модельни муваффақиятли танлашга боғлиқ. Модельни ўзига кўпроқ ўхшаши учун биз уни нисбатан ёрқин ва пластик ифодавий кўринаётган нуқтани танлаб жойлаштиришимиз керак бўлади. Модель ўзига қулай тарзда жойлашиб олиши тавсия қилинади ва айнан шу ҳолатда постановка табиий кўриниш касб этади. Постановкани жойлаштиришда даставвал модельнинг ўзига қулай ва характерли хусусиятини кўрсатиб берадиган гавда ҳолатида бўлиш тавсия этилади, бу ушбу постановкага кўпроқ табиий ифодавийлик бахш этади. Яъни, модельни ноқулай ва нотабиий бўлган гавда ҳолатида туришга мажбурламаслик лозим. Агар постановка моделга қулай ва табиий жойлаштирилган бўлса талабалар ҳам қизиқиш билан ишлашади ва натижада муваффақиятли бажарилган ишлар сони кўпаяди.

Талаба либоссиз натурани чизиш ишларини бошламасдан аввал мақсад, вазифа ва иш ечимини аниқ англаб етиши лозим. Шу билан бир қаторда нима билан чизишини аниқлаб олиши керак юмшоқ материаллар биланми ёки қалам биланми.

Иш жараёнлари эскиздан бошланади. Модельни ўрганишда турли томонлардан бир нечта қораламалар бажариш, моделнинг характери, образини нисбатан кўпроқ ифодалаган, унинг пластикаси ва ҳаракатини яққол кўрсата олган гавда ҳолати кўринишини танлаб олиш керак бўлади. Эскизда қуйидаги масалаларга кўриб чиқилади: композиция, пропорция, ҳаракат ва тон муносабатлари.

Қаршимизда турган биринчи масала – бу композиция саналади. Эскиз композицияга танлаган қоғознинг форматидан бошланади. Чизматасвирнинг гўзаллиги ва эстетикаси қоғоз ва материалнинг нечоғлик ўзаро мувофиқлигидан бошланади. Дастлаб варақнинг ўлчами, баландликнинг кенгликка нисбатини

белгилаб олиш керак. Ундан сўнг чизматасвирнинг қандай бўлиши, фон билан ёки фонсиз, шартли фон ёки шартсиз фон билан тасвирланишини аниқлаб олишимиз даркор. Бу чизматасвирни бажариш учун ажратилган вақт ва модель жойлашган фоннинг ёритилиш даражасига боғлиқдир. Эскиздаги чизматасвир биринчи таассурот бўйича бажарилиши керак. Биз нусха кўчирмайиз ва конструкция яратмаймиз, балки моделдан олган илк жонли таассуротни ифодалаш, жонли қоралама қилиш керак бўлади. Эскиз ишлаш жараёнида асосий ва иккиламчи жиҳатларни белгилаб оламиз.

Эскиз муваффақиятли яқунлангандан сўнг композицияни нисбатан катта форматдаги қоғозга кўчириб ўтказамиз.

Планшетда иш бошлаш аввалида қомат тасвирининг чегараларини иккита горизонталь чизиқлар билан белгилаб оламиз, бу бизнинг композиция қораламамиздаги юқори ва пастки чегарани ҳосил қилади. Қоидага кўра пастдан қоғоз ҳошиясига қадар кам жой қолдирамиз, юқоридан эса кўпроқ ва шундан сўнг эскиздан қораламани туширишни бошлаймиз. Бу биздан кўп вақт олмайди, чунки эскизда биз композициянинг ечими масаласини ҳал қилиб бўлганмиз. Бу ерда ҳам нусха кўчириш ёки конструкциялашдан қочиб, жонли қоралама қилишни, эскиздаги каби модельдан жонли таассуротни ифодалаш лозим. Қоғозда қоматни жойлаштириш унинг табиий ҳаракати, ички ҳолати, ўзига хос жисмоний хислатларини таъкидлаши керак.


Инсонни тасвирлашда енгил жонли қоралама қилиш, қоматнинг силуэтига эътибор қаратиш керак. Деталларга катта аҳамият қаратмаслик мақсадга мувофиқ саналади. Авваломбор, модельнинг ўзига хос характерли гавда ҳолати ва силуэтини илғаб олиш асосий мақсаддир. Пропорция ва анатомия қоидаларини талаба билиши керак ва бу билимлар унинг ақлида бўлиши лозим, бу билиминини кўрсатиш учун жонли гўзал модельни конструкцияга айлантиш ҳеч ҳам кераги йуқ. Асосий силуэтнинг пропорцияларини ва бўйининг энига нисбатини белгилаб оламиз. Шундан сўнг юқори ва пастки қисм масофасини, қоматдан қоғоз ҳошиясига қадар ўнг ва чап томондан қолаётган фон хажмини аниқлаб оламиз. Белгиланган силуэтда асосий нисбатларни белгилаб олиш керак бўлади.

Талабалар классик нисбатларни билишлари ва доимо ёдда сақлашлари керак. Бу билимлар уларга таққослаш орқали ҳар бир инсоннинг индивидуал нисбатларини аниқлашга имкон беради.

Эркак қоматининг ўртаси қов суяги билан белгиланади, аёллар қоматида эса у бир оз пастроқда жойлашган. Агар тананинг юқори қисмини марказдан бўлсак унинг чегараси кўкрак учидан ўтади. Юқори қисмни ўртадан бўлсак, биз бош

баландлигини ҳосил қиламиз. Қоматнинг пастки ярми катта болдир суягининг бошчаси билан тенг иккига бўлинади.

Бу нисбатлар баланд бўйли кишининг, яъни идеал қоматнинг нисбатлари саналади. Унинг бош қисми ўлчами гавданинг баландлигига саккиз маротаба жойлашади. Ўрта бўйли инсоннинг бош ўлчами қомат баландлигига етти, паст бўйли кишининг эса гавда баландлигига олти маротаба жойлашган бўлади.



1-расм. Эндрю Лумиснинг инсон гавдасининг турли нисбатлари чизмаси.

Қоматнинг ҳаракатини ўрта чизик ва ўқ чизикнинг ўрни ўзгариши ҳосил қилади. Ўқ чизиғи бош, тана, тос ва тиззанинг таянч нуқталаридан ўтади.

Бир оёққа таянган қомат учун оғирлик маркази катта аҳамиятга эга. Чизилаётган моделнинг оғирлик марказини аниқлаб олгандан сўнг вертикал чизик ўтказамиз. Оғирлик маркази таянч оёқ кафтидан ва тепада елка камарининг кекирдак чуқурлигидан ўтади.

Сон суягининг катта кўстидан (вертелидан) ва оёқ юзи кафтининг ўртасидан таянч оёқнинг умумий шакли бўйлаб чизик белгиланади. Ушбу чизикқа тоснинг энгашган йўналиши белгиланади, у коворға билан қорин орасидаги суякнинг кўринган ҳошияси бўйлаб қўйилади. Тос доимо оғирликдан озод бўлган оёқ томонга эгилган бўлади. Тоснинг эгилган чизиғига қовдан киндикка қадар

гавданинг ўрта чизиғини тортамыз ва у ханжарсимон ўсиқ учидан кекирдак чуқурчасига қараб кетади. Бунда гавданинг умумий эгилганлиги таянч оёқ томон қараган бўлади.

Елка камарининг эгилганлиги тоснинг қиялигига қарама қаршидир. Елка камаридан бўйлаб бўйин ва бош эгилганлиги бўйлаб чизиқ тортилади. Ишнинг бу босқичи катта эътибор талаб қилади, маконда ёки бўшлиқда қоматни тўлиқ қамраб олиш зарур.

Қомат тасвирининг ташқи чегараларини топганимиздан сўнг, унинг ички чегараларини ҳам аниқлаймиз - бу қоматдаги оч ва тўқ доғларнинг ўзаро фарқи, шунингдек улар ўзаро бир бири билан ҳосил қилаётган қарама-қаршиликларни ҳам аниқлашимиз зарур. Аввал соялар чизиб олинади, сўнг ёруғликдаги фарқлар белгиланади. Ёруғлик ва соя чегарасида тус (тон) зичроқ бўлади. Соянинг ичида доимо рефлекс мавжуд, энг оч рефлекс доимо ёруғликдаги энг тўқ полутондан тўқроқдир. Деталларга ўтишдан аввал нисбатларни текшириб чиқиш керак. Деталларнинг ўз жойида ва белгиланган ўлчамда эканлигини назоратдан ўтказиш жоиз.

Чизматасвир яхлит ва тугал кўриниши учун деталларнинг ўзаро аҳамияти ва бажарилиш даражаси бўйича бир бирига бўйинсиниши ва мувофиқлигини назардан қочирмаслик лозим. Деталлар бир хилда ишлаб чиқилган бўлиши керак эмас. Эскизни ўзида бирламчи ва иккиламчи нарсаларни белгилаш лозим эди. Дастлаб гавда, сўнг бош, қўл, тос, тизза ва оёқ кафти ишлаб чиқилади. Буларнинг барчаси учун талаба албатта пластик анатомия билимларига эга бўлиши лозим. Бошни елка камарига қандай ўрнатиш керак, мушаклар қаердан чиқиб, қайси жойларда бирикади – бу билимлар либоссиз гавда қоматини ишлашда зарурий саналади.

Гавда (торс) - деталларини моделлаштиришда катта шакл схемасини ёддан чиқармаслик лозим. Усиз чизматасвир текис яъни ҳажмсиз чиқиши мумкин. Шаклнинг яқин қисми ўтиш жойларидаги ёруғлик контрастлари силуэтдан кучлироқ бўлишига эътиборли бўлинг.

Бош - бошга ишлов беришдан аввал қораламага қайтиш керак. Яъни, дастлабки жонли, бевосита таассуротни қайта ҳис этиш керак бўлади. Бошдаги деталларни ишлашда механик иш жараёнига эмас, балки ҳиссий ишлашга эътибор қаратиш зарур.

Қўл ва тос - жуфт деталларни ишлашда (қўл, тизза, оёқ кафти) асосий деталга нисбатан аниқлик билан ишлов берилади, иккиламчи деталлар эса асосий деталга қараб қанчалик зарурий бўлса шу даражада ишланади. Улар бир хил даража ишланиши мумкин эмас. Тосни ишлашда асосий урғу тоснинг ёнбош

суяги ва сон суягининг кўстига қаратилади. Чунки улар ўқ чизикни белгилайдилар.

Тиззани чизиш жараёнида унинг конструкциясини билиш ўта муҳимдир ва тизза бўғимини кура олиш маҳорати зарур бўлади. Тизза бўғими устида ишлашда тизза косасига эътиборни қаратиш керак. Қоматни тасвирлаш жараёнида олдинга чиқиб турган тиззани эътибор билан чизамиз, тус муносабалари ёрдамида ёки акцентлар орқали уни томошабин томонга чиқарамиз.

Оёқ юзаси – икки оёқ юзасидан ҳар доим оғирлик тушаётган таянч оёқ юзаси асосий саналади. Айнан унга гавданинг бутун оғирлиги тушаётган бўлади.

Оёқ - бу маконда ёки бўшлиқда чўзилган мураккаб шаклдир. Унинг шаклини ифодалаш учун томошабин томондан кўринаётган оёқ юзаси ёруғлик тепадан тушаётганлигига қарамай ярим ёруғлик кучида эканлигини унутмаслик лозим. Оёқ бармоқларини чизиш жараёнида қуйидагиларни эътиборда тутиш керак: ўртадаги учта бармоқ шаклан бир хилдир, икки ён томондаги бармоқлар шаклан ҳар хилдир.

Либоссиз қоматни чизиш жараёнида шаклни анатомик таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқ. Бу моделни юзаки кўчирмасликни енгиб ўтишга, реал пластик шаклни ифодалашга, асосий хажмлар характеристикасини таъкидлашга ёрдам беради.

Иш аввалида чизиклар шакл чегаралари сифатида аҳамиятга эга. Шакл қурилишидаги ёрдамчи босқич сифатида моделнинг максимал фазовийлик, чуқурлик ва хажмли бўлишига интилиш керак. Фақатгина тусли, ҳажмли чизматасвирда моделнинг тана нисбатлари ва характерини ифодалаш, пластик шаклнинг моддийлигига эришиш, тана қисмларининг фазовий чуқурликда жойлашувини аниқ таъкидлаш мумкин.

Бутун иш жараёнида барча босқичлар ўзаро уйғун олиб борилади ва талабадан диққатни бир жойга тўплаш, идрокни ишлатишни талаб қилади.

Чизматасвир жуда оддий воситлар билан энгил тонларда бажарилиши, ҳаттоки тугалланмагандек кўриниши мумкин. Натурада мавжуд барча сифатларни тўғридан тўғри кўчириш мажбурий эмас. Чизматасвирда асосийси энг ёруғ қисмдан энг тўқ қисм муносабатини ушлай олишдир.

Иш якунида умумлаштириш ва чизматасвирни яхлит қабул қилишга тайёрлаш керак. Масалан, деталларни ишлаш жараёнида тез-тез бузилиб кетувчи тус муносабатларини тиклаймиз. Чизматасвирнинг тугаллигини таъминлаш мақсадида асосий қисмларга яна бир бор диққат қаратамиз.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, инсон қоматини исталган гавда тутишда тасвирламайлик ҳаракатнинг табиийлиги, пластик, гўзаллик ва гармонияни унга

жой эта олиш зарур. Талабага фотосуратдан эмас, моделдан ишлашни қатъий талаб қилиш керак. Чунки фотосуратда учинчи ўлчам – фазовийлик мавжуд эмас. Зарурат туғилганда талаба ўзини кўзгуга қараб чизиши ёки музейдаги ҳайкалтарошлик намуналаридан фойдаланиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Могилевцев В. А. Основа рисунка: Учебное пособие – СПб.: 4арт, 2012.-72с. ил.
2. Эндрю Лумис. Обнаженная натура. Руководство по рисованию. Перевод с англ. А.Куняева. “Эскмо”. – Москва. 2012.
3. Георг Клебер. Полный курс рисунка обнаженной природы. Издательств “Vneshsigma”.